

МОНОГРАФИЯ

ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШКАРИШ

М.С.Саидов



ТАБИЙ МОНОПОЛ
ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШКАРИШ

Тошкент 2022 й

658.01


СЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.С. Саидов

ТАБИЙ МОНОПОЛ
ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШ

Монография



Тошкент – “ИQTISODIYOT” – 2022

УЎК: 333.338.2

КБК: 67.404 (9)

Саидов М.С. “Табиий монопол ташкилотларни бошқариш”.
Монография. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2022. – 248 б.

Ушбу монография табиий монопол ташкилотларни бошқариш масалаларига бағишланади. Монографияда табиий монопол ташкилотларни бошқаришнинг мазмун-моҳияти, ташкилий-ҳуқуқий асослари ва бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда табиий монопол ташкилотлар ва соҳаларда инвестицион муҳитни янада ривожлантириш тенденциялари, бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид давлат дастурларини амалга оширишнинг истиқболли йўналишлари, жумладан электр энергетикаси тизимида инвестицион таъминотни бошқаришнинг замонавий усулларида самарали фойдаланиш, электр энергетикаси тармоқларига инвестицияларни жалб этиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш каби масалаларни ёритишга илмий-услубий ва тизимли ёндашган ҳолатда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий муҳаррир:

Эшов М.П. – ТДИУ, Ўқув ишлари бўйича проректор,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Зияев М.К. – ТАҚИ, иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш
кафедраси профессори, и.ф.д.

Юсупова Д.Т. – ТДИУ Менежмент кафедраси доценти, и.ф.н.

Амиров Л.Ф. – ТДИУ, Иқтисодиёт факультети декани,
PhD (иқтисодиёт) доцент

*Мазкур монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг
2021 йил 28-декабрдаги 5-сонли Қарори асосида нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-8157-1-1

© “IQTISODIYOT”, 2022.

© М.С. Саидов, 2022.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ	8
1.1. Табиий монопол ташкилотларни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари	8
1.2. Глобаллашув шароитида табиий монопол ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.....	25
1.3. Ўзбекистон Республикасида табиий монопол ташкилотларни бошқариш ва тартибга солишнинг институционал жиҳатлари	42
<i>Биринчи боб бўйича хулоса</i>	57
II БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ	58
2.1. Табиий монополия соҳаларида рақобат муҳитининг шаклланиши. 58	
2.2. Республика энергетикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар	74
2.3. Электр энергетикаси соҳасида тарифлар ва нархларни шакллантириш	88
2.4. Табиий монопол ташкилотларни бошқариш самарадорлигини эксперт сўровнома асосида баҳолаш	106
2.5. Соҳада корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш механизмлари	128
<i>Иккинчи боб бўйича хулоса</i>	142
III БОБ. ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР ШАРОИТИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	145
3.1. Табиий монопол ташкилотларни бошқаришнинг хориж тажрибаси ва улардан республикамизда фойдаланиш истикболлари	145
3.2. Электр энергетикаси соҳасини бошқаришда замонавий бозор механизмларини жорий этиш усуллари.....	163
3.3. Соҳада муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари	184
<i>Учинчи боб бўйича хулоса</i>	198
ХУЛОСА	200
ГЛОССАРИЙ	205
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	211
ИЛОВАЛАР	229

КИРИШ

Табиий монополиялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар, бозорда доимо ўз истеъмолчиларига эга эканлиги билан аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, табиий монополиялар мамлакатдаги барча ресурсларни ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи, хомашё билан таъминловчи тармоқларнинг асосий бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунига кўра, табиий монополия субъектларининг фаолияти қуйидаги соҳаларда давлат томонидан тартибга солинади¹: нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш; электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш. Қонунда келтирилган ушбу соҳалар, иқтисодиётнинг асосий инфратузилмасини яратувчи соҳалардан ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражаси асосан, ички ва ташқи бозорда монополиялар фаолияти билан белгиланади. Иқтисодиётнинг глобаллашув даврида, саноат иқтисодиётида монополияларнинг улуши ошиб боришини кузатиш мумкин. Чунки, иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланиши учун, кенг кўламли имкониятларга эҳтиёж сезилади. Яъни, молиявий капитал, замонавий технологиялар, янги инновацион ғояларни соҳаларга олиб кириш, салоҳиятли ва тажрибали кадрларга бўлган эҳтиёж доимо юқори бўлади. Бу эҳтиёжларнинг барчасини кичик ташкилотларга нисбатан, монопол

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрир) 1999 йил 19 август 815-1-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/79391>

ёки табиий монопол ташкилотлар томонидан ҳал этиш имконияти доимо юқори бўлиб келган.

Табиий монополияларнинг келиб чиқиш тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятларини, иқтисодчи олимлар томонидан кўп ўрганилган. Табиий монополиялар агар инсонлар ҳаётида, уларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёнларида ёки иқтисодиёт соҳаларида бир марта пайдо бўлган бўлса, бу табиий ва кейинги иқтисодий фаолиятларда сақланиб қолиши мумкин. Бироқ, амалиёт давомида таҳлиллар кўрсатганидек, уларнинг баъзилари охир – оқибат “табиийлигини” йўқотиб боради. Сабаби, ҳар доим табиий монополиялар соҳаларидаги, мавжуд ташкилотлар фаолияти давлат томонидан тартибга солиб борилади. Шу орқали, табиий монопол ташкилотлари, ўз фаолиятларида ихтиёрий ёки мажбурий тарзда, завонавий бошқарув усул ва механизмларидан фойдаланишни йўлга қўйишади. Бунинг натижасида, табиий монопол ташкилотлари фаолиятида бошқарув самарадорлигига эришилади.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида табиий монополияларнинг таъсири сезиларли. Аммо шунга қарамай, улар фаолиятининг иқтисодий мазмуни, бошқарув самарадорлиги, амал қилиш хусусиятлари ва тартибга солиш муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш орқали иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқишнинг муҳимлиги, монография мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Табиий монополиялар соҳаларига кирувчи электр энергетикаси соҳаси, мамлакат иқтисодиётининг асосий таркибий қисмларидан бири

бўлиб ҳисобланади. Электр энергетикаси соҳаси, қолган соҳаларнинг фаолият ривожланишида тўғридан – тўғри ўз таъсирини кўрсатади. Сабаби, барча соҳа ва тармоқлар учун бугунги кунда узлуксиз ва сифатли электр энергияси таъминотисиз бирор бир мақсадга эришиб бўлмайди. Электр энергетикаси соҳаси, бошқа фаолият соҳаларига кўра, ўзига хос хусусиятларига эга бўлади. Яъни, технологик хусусиятига кўра - электр энергиясини бир жойда сақлаб туришнинг имкони йўқлиги; иқтисодий хусусиятига кўра - электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш тизими бозор тамойилларига тўлиқ мос келмайди. Умуман олганда, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш (генерирлаш), узатиш ва тақсимлаш (сотиш) жараёни – табиий монополия соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакат парламенти-Олий Мажлисидаги Мурожаатномасида “Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак. Шунингдек, электр энергияси етказиб беришда рақобат муҳитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади”² деб таъкидлаган.

Энергетика бозори кўпгина мамлакатларда мавжуд бўлгани сингари, энг йирик табиий монополиялар (нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш; электр ва иссиқлик

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Хабар.uz 2017 й. 22 декабрь.

энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш) тармоғи бўлиб ҳисобланади. Энергетика соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, кучли салбий ташқи таъсирлар билан тавсифланади. Улар ёқилғи ва энергетика компанияларининг атроф-муҳитга етказган зарарларида ифодаланади. Буларнинг барчаси ёқилғи-энергетика тармоқларини давлат томонидан бошқариш зарурлигини белгилайди.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳасидаги мавжуд технологияларни янгилаш, тармоқда маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш жараёнларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш орқали, соҳада бошқарув самарадорлигини ошириш, бугунги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ў БОБ. ТАБИЙ МОНОПОЛ ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Табиий монопол ташкилотларни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари

Ҳар қандай ривожланган, ривожланаётган ёки ривожланмаган давлатларда табиий монополия соҳалари мажбурд. Айнан, шу соҳаларда кичик ёки йирик кўринишдаги табиий монопол ташкилотлар фаолият юритади. Маълум бир товар ёки хизматга талабнинг юқори эканлиги ҳамда иқтисодий ва технологик жиҳатдан рақобат муҳитини яратиш имкони бўлмаган ҳолатда табиий монополия вужудга келади.

Монополия – иқтисодиётнинг маълум бир соҳасида танҳо хукмронлик қилиш, бозорга эгалик қилиш шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари билан фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай товарларнинг ўринбосари бўлмайди³. Монопол ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (масалан, қўшилиб кетиш, келишиб олиш ёки картель битимлари) натижасида рақобат тўла - тўқис ўринли бўлган ва либерал аънана­ларни сақлаб қолиш учун давлат аралашувини оқлайдиган шароитда вужудга келади. Монополия шунингдек, табиий ёки соҳада анча тақчил товарга нисбатан бўлиши мумкин. Бунда ишлаб чиқариш бирлигининг оқилона ҳажми бутун бозорни қондириш учун қаратилади. Қолган барча муқобиллар: давлат мулки ёки хусусий монополия қабилар давлат томонидан тартибга солиниши бундай вазиятда ўринсиз. Бунда улардан энг кичигини танлаш муаммоси юзага келади⁴.

Табиий монополиялар – бозорда муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришда рақобатли

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент. 6-том. 2004 й. 77 бет.

⁴ Фридман М. Либерализм, журнал "Collier's Year Book", 1955. 56 бет.

шароитларни яратиш технологик хусусиятларга кўра мумкин бўлмайдиган ёки иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайдиган ҳолат⁵.

Табиий монополия ҳолати қуйидаги иккита сабабга кўра, юзага келиши мумкин:

1. Соҳада катта ҳажмдаги тежамкорлик имкониятлари мавжудлиги (ўсиб бораётган қайтим деб ҳам аталади).

2. Универсалликка ёки стандартлаштиришга бўлган мойиллик. Бунда истеъмолчилар фойдаланилаётган барча товарлар ва хизматларни (масалан, телефон компанияларининг универсал хизматлари, операцион тизимлар ва бошқалар) истеъмол қилишга кўпроқ мойилдирлар.

Табиий монополиялар вужудга келишининг ҳар икки шарт - шароити асосида битта нарса ётади. У ҳам бўлса, технологиядир. Биринчи ҳолатда технологияларнинг хусусиятлари, табиий монополиялар вужудга келишига таклиф томонидан, иккинчисида эса талаб томонидан таъсир кўрсатади. Технологик инновациялар ўз даврида табиий монополияларнинг вужудга келишига сабаб бўлган (масалан, XVIII асрда темир йўлларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, XX аср бошида электр, телефон, сув ўтказиш ва иситиш тармоқлари вужудга келиши ва ривожланиши кабилар).

Шу билан бир қаторда айнан, технологик ривожланиш бугунги кунга келиб, табиий монополиялар мақомини бузмокда (масалан, уяли алоқа хизматининг ер юзи телефон линияси универсал хизматларига муқобил сифатида ривожланиши, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш ва ҳоказо). Технологияларнинг мазкур хусусиятини ва капиталистик бозорларнинг ривожланишидаги ролини машҳур Австрия

⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент 8-том. 2004 й. 215 бет.

– Америка иқтисодчиси Жозеф Шумпетер аниқлади, у мазкур жараёнини “Салмоқли бузилиш” (creative destruction) сифатида тавсифлади⁶. Шумпетер ва унинг издошлари инновация ва технологик ривожланишни капиталистик бозорлар эволюцион ривожланишининг ундовчи омили сифатида ўргандилар.

“Табиий монополия” – тушунчаси ўзининг пайдо бўлиши жиҳатидан экономика классик мактабига хосдир, уни таҳлил қилиш учун талаб ва таклифнинг статик нисбати асос ҳисобланади.

Табиий монополия соҳаларининг мавжудлиги, самаралироқ кўринишига қарамай (cost effective), классик сиёсий иқтисод назарияси томонидан табиий монополиялар анъанавий равишда бозор тамойилларининг бузилиши (market failure) сифатида ўрганиб, у қуйидаги фаразларга асосланади:

1. Маълумотлар (харажатлар, нархлар, талаб ва ҳоказолар тўғрисидаги) барча манфаатдор гуруҳлар учун қулай;

2. Фирма ўз фойдасини максималлаштиришга интилади;

3. Фойдани максималлаштирувчи товар (хизмат)ни ишлаб чиқариш нуқтасига чекланган харажатлар, чекланган даромадларга тенг бўлган вазиятда эришилади, нарх эса талаб даражаси билан белгиланади.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, бундай фаразлар истеъмолчиларга боғланганлик, ўртача харажатлардан талабни қондирадиган етарли миқдорда, юқори нархлардаги товарларнинг ишлаб чиқарилмаслиги каби бозор нуқсонлари, монополия шароитида ўринли бўлади, деган хулосага келишга асос бўлади.

⁶ Joseph A. Schumpeter, (1883-1950), “Capitalism, Socialism and Democracy” London and New York (1943). ISBN 0-203-26611-0 (Adobe eReader Format) ISBN 0-415-10762-8 (Print Edition)

Айрим сабабларга кўра, табиий монополиялар сифатида қуйидагиларни мунтазам тарзда жорий этишни тақозо этади: биринчиси, тартибга солувчининг бозор ҳолати тўғрисида (ишлаб чиқариш харажатлари, талаб ва ҳоказо) тўлиқ маълумотга эга бўлишлиги. Иккинчиси, тартибга солувчи тегишли ваколатларга эга бўлганлиги туфайли монопол товар ишлаб чиқариш ёки нархларни қайд этиш ҳолатида бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, иқтисодийни глобаллашув шароитида мамлакатимизда табиий монополияларни бошқаришда замонавий бошқарув усуллари жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан табиий монополияга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Табиий монополия** – бозорда маълум бир товар (ишлар, хизмат)ларга бўлган талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, эҳтиёжни қондириш борасида рақобат муҳитини яратиш имкони бўлмаган ёки давлат ва жамият иқтисодийида ноқулай вазият туғдирувчи ҳамда истеъмолчи учун иқтисодий жихатдан самара келтирмайдиган ҳолатдир.

Бунда, талабнинг доимий ёки вақтинчалик технологик хусусиятларига кўра, дейилишини қуйидагича изоҳлаймиз: табиий монополиялар соҳаларини бошқаришда бозор иқтисодийининг ҳар қандай шароитида ҳам замонавий бошқарувнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий усулларидан фойланишни ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Уларга қўшимча сифатида, ўз-ўзини бошқариш; стратегик режалаштириш; инновацион менежмент; ички бозорни бошқаришда ташқи муҳит омиллари таъсири каби функциялардан фойдаланиш мумкин. Табиий монополия субъекти – бу, табиий монополия шароитида

товар ишлаб чиқариш (сотиш) билан банд бўлган хўжалик ташкилоти, яъни ҳуқуқий шахсдир.

Демак, табиий монополия шароитида маълум бир товарлар учун бутун бозорни таъминловчи ягона ташкилотнинг мавжудлиги иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мисол учун темир йўлни олиш мумкин. Бу вазиятда рақобатни ривожлантириш мақсадида қўшимча равишда параллел темир йўллари ёки юқори кучланишли электр энергияси линияларини қуриш оқилона бўлмайди. Шундай қилиб, табиий монополияларни тузиш асосида одатда катта тармоқларнинг мавжудлиги ётади: темир йўл, труба ўтказгичлар, электр ва ҳоказо.

Ўзбекистонда табиий монополиялар соҳалари, халқаро амалиётдагига қараганда бир мунча кенгрок. Уларнинг шаклланиши, ўтиш даврида иқтисодиётни қайта қуриш ва бошқариш натижасида юзага келган тузилмалар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги (1997 йил 24 апрелдаги N 398-I янги тахрирда) қонунига мувофиқ Ўзбекистонда қуйидаги соҳалардаги табиий монополиялар субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади: нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш, нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш, темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш, умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари, сув қувурлари ва канализация хизматлари киради⁷.

⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент 8-том. 2004 й. 215 бет.

Вужудга келиши ва технологик хусусиятига кўра, табиий монополияларни назарий жиҳатдан қуйидагича туркумлаш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Табиий монополияларни туркумланиши⁸

Соф табиий монополия	Легал (қонуний) табиий монополия
-нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш; -умумий эркин фойдаланиладиган электр хизматлари; -сув қувурлари ва канализация хизматлари.	-нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш ва узатиш; -темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш; -умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари

Соф табиий монополия – технологик ва географик жойлашиши нуқтаи назаридан рақобат шароитини яратиш имкони бўлмайди.

Легал табиий монополия - технологик ва географик жойлашиши нуқтаи назаридан рақобат шароитини яратиш мумкин, лекин иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайди.

Табиий монополия соҳасига мисол сифатида электр энергетикаси соҳасининг иқтисодий тавсифларини кўриб чиқамиз, бу хусусиятлар мазкур соҳани табиий монополия соҳаси сифатида қайд этишга асос яратмоқда.

Электр энергетикаси соҳаси тахминан 100 йилдан буён мавжуд ва бу вақт ичида, қатор таркибий, технологик ва тартибга солиниши жиҳатдан ўзгаришларни босиб ўтди.

⁸ Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари. Иқтисослиги – 08.00.13 – Менежмент. Иқтисодиёт фанлари номзодини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2009. 175 бет.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда (1945-1960 й.) электр энергетикаси соҳасида нарх урушлари, картеллар, олигополияларнинг антимонопол хатти-ҳаракатлари сингари белгилар намоён бўла бошлади. Техника тараққиёти генерирлаш ва узатиш кўламлари ҳамда тавсифларини муҳим даражада ўзгартирди. Самарали қувватларнинг энг кам ҳажми ўсди. Бу даврда кўпгина давлатлар бутун электр энергетикаси соҳаси табиий монополиялар соҳасига тааллуқли, деган хулосага келдилар. Бузғунчи монополистик хатти - ҳаракатларни муваффақиятли бартараф қилиш, давлат мулкчилиги ва пухта тартибга солишнинг жорий қилиниши билан амалга оширилади. Францияда «Электрисите де Франс» 1946 йилда тузилди. Италия 1962 йилда Европа мамлакатлари орасида охири бўлиб электрлаштириш соҳасида давлат монополиясини яратди.

АҚШда эса бошқачароқ модель, яъни мустақил орган томонидан тартибга солинадиган хусусий мулкчилик ҳукмронлик килди. Бироқ, федерал ёки муниципал мулкчиликдаги электростанциялар ва корхоналар сақланиб қолди.

Маълумки, электр энергияси – бу бир жойда сақланмайдиган маҳсулот. Электр энергиясига бўлган талаб вақт, кун ва йилдан келиб чиқиб, кучли тебраниб туради ва бу тебранишлар модели барқарор эмас. Электр энергияси таклифи, ишлаб чиқаришнинг тўртта вертикал бир – бирига алоқадор бўлган босқичлари билан боғлиқ: электр энергиясини генерирлаш; узатиш; тақсимлаш; пировард истеъмолчига етказиш (I-расм).

Генерирлаш – бу ҳар қандай энергия турини электр энергиясига айлантириш (ёқилғи ҳар хил турлари (кўмир, нефть, газ)ни ёқиш ёки сув ёхуд шамол кинетик энергиясидан фойдаланиш йўли билан) жараёнидир. Генерирлашган ташкилотларнинг ҳар хил турлари доимий (биринчи

навбатда, қувватнинг ўзи) ва ўзгарувчан (кўпроқ ёқилғи) харажатлар турлича нисбатлари билан тавсифланади.

Электр энергиясини генерирлаш - қайтарилмайдиган юқори харажатли, капитал сиғимли ишлаб чиқариш жараёнидир. Қайтарилмайдиган харажатлар ҳажми турли энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича фарқланади.

Бундан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқариш (ҳар қандай ресурслардан фойдаланилганда) катта экологик харажатлар билан боғлиқ. Экологик характердаги талабларга риоя қилиш устидан самарали назорат зарур бўлиб, у катта инвестицияларни талаб этади. Бирок генерирлаш ўз ҳолича табиий монополия белгиларига эга эмас ва потенциал рақобат соҳаси ҳисобланади.

Электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш жараёни қимматли бўлиб, капитал сиғимлилиги, ҳамда юқори қайтарилмайдиган харажатлар билан тавсифланади ва табиий монополиялар тавсифларига эга. Узатиш линияларини қуриш ва фойдаланиш бўйича юқори харажатлар билан бир қаторда, электр энергиясининг муқаррар йўқотишлари, харажатлар катта улущини ташкил этади. Самарали ишлаб чиқариш, йўқотиш унсурларини ўз ичига оладиган табақалашган нархларга йўналтирилиши керак.

Замонавий шароитларда электр энергетикаси соҳасида, рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Шу сабабли, электр узатишнинг замонавий тизими соҳа генераторлари ва эгалари (операторлар) ҳаракатини ҳар дақиқада